

Рамазонга оид саволлар

10:58 / 06.06.2017 6236

Савол: Ассалому алайкум мухтарам Устоз! Устоз бир биродаримиз бир масалада икки кишига савол берган экан, икки хил жавоб эшитибди, шунинг учун тўғри жавобни билиш учун сизга савол ёзямиз. Устоз бир саҳифада уч савол ёзаётганим учун олдиндан қаттиқ узр сўрайман ва уч саволимизга ҳам жавобингизни интизорлик билан кутиб қоламиз. саволларимиз шулардан иборат:

1. Бир мусулмон инсон, рўза тутиш кераклигини билади, лекин ғафлатдаги инсон, яъни шариат хукмларига амал қилмайди. Шу инсон ибодатга кирган бўлса, ғафлатда юрган вақтида қазо қилган рўзаларининг бир кунига неча кун рўза тутади?

2. Ибодатдаги инсон Рўзанинг фарзлигини билиб туриб, ҳеч қандай узрсиз ҳолатда бир кунлик рўзани қазо қилса, масалан: Рамазон ойида 15кун рўза тутиб, 16 чи куни сахарлик ҳам, ният ҳам қилмасдан, атайлаб ўзи шунчаки рўза туткиси келмай қазо қилиб, 17чи кундан яна рўза тутишни давом эттирса, шу қазо қилган бир куни учун ҳозир неча кун қазо рўза тутиши керак?

3. Ибодатда мустаҳкам инсон, ҳеч қандай узири йўқ, фарз ибодатларга енгил қарамайди, Рамазон ойида тўлик рўза тутади. Шу инсон Рамазон ойида рўза тутиб турган холида, кун узунлигиданми ёки сахарлик қилмаганлигиданми, қаттиқ қийналганлигидан ожизлик қилиб, тушликдан сўнг рўзасини очиб юборса, уша кунги бир кунлик қазоси учун неча кун қазо рўза тутиши керак? Устоз қимматли вақтингизни олганим учун рози бўлинг!. Устоз саволлардаги хатоларим учун узр сўрайман ва жавобингизни интизорлик билан кутиб қоламиз. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат. Аллоҳ дин йўлида қилаётган хизматларингизни ажрини икки дунёда зиёда қилиб ато қилсин ва ўзининг жамолига етишишингизни насиб этсин. Омийн!

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

- 1. Олтмиш кун.

- 2. Олтмиш кун.

- 3. Бир кун.